

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган

E-mail: uzss@inbox.ru

2007 йил 13-19 ноябрь

№ 47 (563)

Сешанба кунлари чиқади

Эътироф

ҚАЛБЛАРДА БАЙРАМ ШУКУҲИ



Кўни кеча Тошкент Врачлар малакасини ошириш институтининг мажлислар залида тиббиёт ходимлари кўнига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Светлана Иномова ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Марат Хожибековлар сўзга чиқиб, 2006 йил 12 сентябрда қабул қилинган тиббиёт ходимлари кўнини нишонлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси мазкур касб эгаларининг байрами сифатида ўтказилаётганини мамнуният билан эътироф этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси

раиси Светлана Иномова республика соғлиқни сақлаш тизимида фаолият юритаётган тиббиёт ходимларининг фидойи меҳнатларига тахсин айтиб, уларни халқимиз саломатлиги йўлида амалга ошираётган беёминат хизматлари машаққатли, аммо шарафли эканлигини таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида Соғлиқни сақлаш тизimini ислох қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши ва унинг амалдаги ижроси хусусида тўхталиб, кўни кеча Президентимиз томонидан 2007 йил 19 сентябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизimini ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлан-

тириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармон ҳамда 2007 йил 2 октябрдаги «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорнинг қабул қилиниши аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада оширишда муҳим аҳамият касб этишини айтди. Шундай экан, бундай масъулиятли вазифа тиббиёт ходимларидан касбий маҳорат, шижоат, фидойилик ва ташаббускорлиқни талаб этишини таъкидлаб, республика тиббиёт ходимларини



СУРАТДА: Академик В. Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия марказининг юрак-ишемик касалликлари бўлими раҳбари, тиббиёт фанлари доктори Аброл Мансуров — йилнинг энг фаол шифокори» номинацияси голиби бўлди.

касбий байрамлари билан салимий кутлади.

Республика тиббиёт ходимларининг меҳнатларини қадрлаш ва рағбатлантириш бора-бора аниқлаштирилган турли номинациялар бўйича совриндорлар аниқланди. «Йилнинг энг фаол шифокори» номинациясига Академик В. Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия марказининг юрак-ишемик касалликлари бўлими раҳбари, тиббиёт фанлари доктори Аброл Мансуров муносиб деб топилди. «Йилнинг энг фаол ҳамшираси» номинациясига Марғилон шаҳридаги туғруқхона дояси Клара Слеханова, «Йилнинг энг илғор тиббиёт муассасаси» номинациясига эса Бухоро вилояти болалар шифохонаси сазовор бўлди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғига асосан, фаолиятда фидойиларча меҳнат қилган бир гуруҳ тиббиёт фахрийларига вазирлиқнинг фахрий ёрлиғи ҳамда пул мукофотлари топширилди. Бундан ташқари, тиббиёт ходимлари кўни муносабати билан аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш ишида ўзини кўрсатган, етарлича иш тажрибасига ва касб малакасига эга бўлган ҳамда ўз фаолиятида юқори натижаларга эришган бир гуруҳ соҳа ходимлари ҳам «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочили» кўрак нишони билан тақдирланди.

Тадбир сўнггида халқимизнинг сеvimли санъаткорлари томонидан ижро этилган дилрабо куй ва қўшиқлар даврага байрамона кайфият олиб кирди.

Ибодат СОАТОВА.

ОБУНА — 2008



Азиз шифокорлар, ҳамширалар, зиёлилар ва барча муштарийлар эътиборига!
Тиббиётдаги янгиликлар сари одимлашингизда Сизга мадад бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2008 йил учун обуна мавсуми давом этмоқда. Бунинг унутманг! Нашр индексимиз: 128.

Анжуман

ЭНДОКРИН КАСАЛЛИКЛАРГА УЙҒУН ҲОЛДА

Жорий йилнинг 8 ноябрь кўни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мажлислар залида Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий Эндокринология марказининг 50 йиллигига бағишланган «Эндокринологиянинг долзарб муаммолари» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжумани Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Кадрлар, фан ва ўқув юрлари Бош бошқармаси бошлиғи Ш. Атахонов кириш сўзи билан очиб, институтнинг узоқ йиллар давомида эришган ютуқлари, аҳоли орасида эндокринологик касалликларни даволаш ва олдини олиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилганлигини эътироф айтиб, институтнинг бир гуруҳ ходимларига Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи билан тас-

диқланган «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочили» кўрак нишони ва фахрий ёрлиқларини тантанали топширди. Кўтаринки кайфиятда бошланган мазкур анжуман республика миқёсидаги барча эндокрин мутахассисларни ўз атрофига тўплаши билан бирга, улар учун муҳим бўлган долзарб мавзуларда фикр алмашиш имкониятини берди. Тадбирда қалқонсимон ва қалқонсимон олди без касалликларининг замонавий ташхиси ва

даволаш, қандли диабет, гипотиз ўсмалари, буйрак усти беzi ва жинсий без хасталикларини турли йўллар билан даволаш механизмлари каби мавзуларда маърузалар тингланб, фикр-мулохазалар билдирилди.

Республика Ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий Эндокринология Марказининг 50 йиллигига бағишланган анжуманнинг иккинчи кўни мутахассислар Ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий Эндокринология Марказига ташриф буюриб, «Қандли диабет» мавзуси бўйича маъруза қилишди. Анжуманда иштирок этган етук олимлар ва тажрибали мутахассислар эндокринология соҳаси олдида долзарб муаммо



бўлиб турган масалалар юзасидан ўзаро тажриба алмашишди. Шунингдек, соҳанинг келажақ тараққиёти учун ҳамкорлик ришталарини мустаҳкам боғлаб, янги технология ва замонавий усуллардан фойдаланган ҳолда фаолият олиб бориш бўйича керакли тав-

сия ва таклифларини киритди. Анжуман давомида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат этиб, мутахассислар томонидан тўлақонли жавоб олдилар. **Ойбек ШОСАИДОВ, ЎзДЖТУ талабаси.**

Бугуннинг мавзуси

ОММАВИЙ ЭМЛАШ БУТУН РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

Аҳолини оммавий эмлаш касалликлар олди олинимидаги муҳим омил ҳисобланади. Шу боис, республикамизнинг барча ҳудудларида юқумли касалликларга қарши эмлаш ишлари режага мувофиқ доимий равишда олиб борилади. Амалга оширилган ишлар ҳисоласи сабаб аҳоли орасида бугунга келиб, дифтерия, полиомиелит сингари хасталикларга учраш ҳолати деярли кўзга ташланмайди. Аммо 2005-2006 йилларда қизамиқ ва қизилча хасталикларининг аҳоли орасида учраганлиги Соғлиқни Сақлаш вазирлиги ва Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг "Оммавий эмлаш дастури" ишлаб чиқишига сабаб бўлди ва шунга мувофиқ ўтган йили илк маротаба Тошкент шаҳрида қизилча

ва қизамиққа қарши оммавий эмлаш акцияси муваффақиятли якунланган эди. Мазкур тадбирнинг самараси боис, бу йилги тайёргарлик нафақат пойтахтда, балки республикамизнинг барча вилоятларида, қолаверса Қорақалпоғистон Республикасида ҳам ўтказилиши режалаштирилди ва амалга ошириш фурсати етиб келди. Гўвоҳи бўлганингиздек, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ушбу акциянинг самарали ўтказилишида барча мутасадди раҳбар ходимлар жалб этилган бўлиб, уларнинг бош мақсади оммавий эмлаш жараёнларини назорат қилиб бориш, 11 ёшдан 29 ёшгача бўлган фуқароларни эмлашга сафарбар этиш ва шу орқали мазкур касалликларнинг олди олинмишига эришишдир.



Жорий йилнинг 12 ноябрь кuni Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мажлислар залида 12 ноябрдан 25 ноябргача бўлиб ўтадиган кенг қамровли тадбирнинг очилиши олдидан

от анжуманини Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ўринбосари, Бош давлат санитария врачси Б. Ниёзматов кириш сўзи билан очар экан, асосий эътиборни қизамиқ ва қизилча билан боғ-



матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбир Соғлиқни сақлаш вазирлиги, БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ва Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти вакиллари томонидан ташкил этилган бўлиб, унда барча оммавий ахборот воситалари ходимлари ва мутахассислар иштирок этди. Матбу-

лик республикадаги эпидемиологик ҳолат ва оммавий эмлашнинг мақсад-вазифаларига қаратди. Оммавий эмлаш кампанияси ёшларнинг саломатлиги борасидаги ҳуқуқларини амалга оширишлари учун муҳим аҳамият касб этиб, жамиятда қизамиқ ва қизилчадан ҳимояланишнинг

ишончли воситаси бўлиб хизмат қилади, — дейди ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиғи Реза Хоссаини.

Шу вақтга қадар тадбирнинг сифатли ва самарали ўтказилиши инобатга олиниб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ЖССТ ва ЮНИСЕФнинг техник кўмағида кампанияга бевосита жалб этилган тиббиёт ходимлари учун махсус тренинглари туркуми ўтказилди. Тренинглари давомида аҳоли билан ишлаш, хавфсиз иммунизация амалиёти, эмлаш техникаси каби энг долзарб масалалар қамраб олинди. Ушбу тиббиёт ходимлари мамлакатнинг барча минтақаларида кўма бригадалар ва ҳудудий тиббиёт муассасалари таркибида фаолият олиб борадилар. Шунингдек, вакцинация тадбирини ўтказишдан олдин ЮНИСЕФ Журналистлар ижодий уюшмаси ва нодавлат телестудиялар тармоғи каби ташкилотлар билан ҳамкорликда аҳолини ижтимоий сафарбар этиш ва хабардор қилиш дастурини бошлаб юборди. Ушбу дастур доирасида жойларда 700 дан ортиқ журналистлар учун семинарлар ташкил этилди. 5000 дан зиёд плакат, 3 миллиондан ортиқ варақалар тайёрланиб, тарқатилди. Эстрада юлдузлари иштирокида фаол телевизион роликлар намойиш этилди.

Ташкилотчилар билан бўлган мулоқотда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларига ойдинлик киритдилар ва оммавий эмлаш акциясининг расмий очилишига бағишланган тадбир Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Хасанбой посёлкасидаги Ш. Салоҳиддинов номли 2-сон туман шифохонасида бўлиб ўтди. Тадбирнинг очилишида Тошкент туман ҳокими Сайфулла Темиров сўзга чиқиб, акциянинг муваффақиятли ва сифатли ўтказилишида ҳамма бирдек масъул эканлигини таъкидлади ва бу борада етарли имкониятларни яратиб берган Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ЖССТ ва ЮНИСЕФ халқаро ташкилотларининг мутасадди раҳбарларига ўз миннатдорчилигини билдирди.



Ташриф буюрган меҳмонлар ва журналистлар муассаса поликлиникасида яратилган эмлаш хоналаридаги шарт-шароитлар ва касаллик вакциналари билан танишдилар. Ва дарҳол 11 ёшдан 29 ёшгача бўлган фуқароларда эмлаш ишлари бошлаб юборилди. Энг муҳими, ҳар бир эмланган фуқаро рўйхатдан ўтказилиб, уларга эмланганлиги

Ишонаманки, катта ташаббус билан бошланган ҳамкорликдаги ишлар мамлакатда қизамиқ ва қизилча билан касалланишнинг олди олинмишига замин бўлиб хизмат қилади, — дейди Иммунопрофилактика бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигининг етакчи мутахассиси Дилором Турсунова.

Эндиликда мазкур жараён-



тўғрисида маълумотнома берилди.

— Ушбу тадбир бўйича ҳозир барча вилоятларга координа-торлар юборилиб, улар ҳар кунги кундалик маълумотларни Республика давлат санитария-эпидемиология марказига бериб борадилар. Чунки, бу вақт орали-ғида 8 миллиондан ортиқ ёш фуқароларни оммавий эмлаш ишлари режага киритилган.

ларни оммавий ахборот воситалари орқали ёритишни муваффақиятли амалга ошириш юзасидан бир гуруҳ журналистлар республика бўйлаб хизмат сафарларида бўлишиб, у ердаги вакцинация пунктларидаги фаолиятларни кўздан кечири-дилар ва мавзу кенгрок ёри-тилишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Намоз ТОЛИПОВ.

(Ушбу тадбирга боғлиқ жараёнлар билан газетамизнинг кейинги сонларида танишиб борасиз).

Мақола Ўзбекистон Республикаси мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг «Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилётган ислохотлар мониторинги» лойиҳаси асосида тайёрланди.

Юбилей

ИНСТИТУТНИНГ БУГУНИ ВА ЭРТАСИ

Жорий йилнинг 10 ноябрь кuni Тошкент шаҳар ҳокимиятининг мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институтининг 75 йиллигига бағишланган юбилей кечаси бўлиб ўтди.

Тантанали кечани Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ўринбосари Нодир Шарапов кириш сўзи билан очиб, институтнинг 75 йиллик тарихи ва айни кундаги фаолияти ҳамда астой-

дил хизмат қилаётган соҳа мутахассисларининг меҳнатига урғу бериб, уларни юбилей билан самимий қутлади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Травматология ва ортопедия ил-

мий-текшириш институтининг директори Мирҳамид Азизов ўз қишлоғида институтнинг ўтмиш тарихи, бугуни ва эртанги кела-жиги тўғрисида маъруза қилди. Сўнгра мазкур институтнинг 75 йиллик юбилейга бағишланган ҳужжатли фильм намойиш этил-

ди. Ўзининг кўп йиллик тажрибасига эга бўлган бир гуруҳ соҳа мутахассисларига Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочи» кўрак нишони ҳамда фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар топширилди.

Тадбирда республика вилоят тиббиёт муассасалари ва хорижий давлатлардан иштирок этган ҳамкасблар институт жамоасини юбилей билан муборакбод этиб, дил сўзларини изҳор этдилар.

Камила ГИЯСОВА.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

2007 йил 2 октябрь


№ ПК-700

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2007 йил 2 октябрдаги ПК-700-сон Қарорига
1-илова



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2007 йил 2 октябрдаги ПК-700-сон Қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппаратининг тузилмаси



Ходимларнинг чекланган умумий сони 88 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари - 69 киши.

(Давоми 4-бетда).

Мазкур Қарорнинг ўзбек тилидаги матни газетанинг
44-сонидa чоп этилган

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ**


**Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил
этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

2007 йил 2 октябрь

№ ПК-700

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2007 йил 2 октябрдаги ПК-700-сон Қарорига
3-илова


**Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
тузилмаси**



Бошқарув ходимларининг чекланган сони – 15 киши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2007 йил 2 октябрдаги ПК-700-сон Қарорига
4-илова

**Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг
тузилмаси**



Бошқарув ходимларининг чекланган сони – 14-15 киши.

(Давоми. Боши 3-бетда).

(Давоми 5-бетда).

Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

№ ПК-700

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2007 йил 2 октябрдаги ПК-700-сон Қарорига
5-илова

```

graph TD
    A[Бош бошқарма бошлиғи] --- B[Назорат инспекцияси 3 киши]
    A --- C[Бошлиқнинг профилактика ва даволаш ишларини ташкил этиш бўйича биринчи ўринбосари]
    A --- D[Бошлиқнинг иқтисодий ва умумий масалалар бўйича ўринбосари]
    A --- E[Молия-иқтисодий хизмати 2 киши]
    A --- F[Оналар ва болаларга tibbiy ёрдамни ташкил этиш бўйича бош мутахассислар 2 киши]
    A --- G[Шаҳар бош давлат санитария врачлари]
    C --- H[Профилактика ва даволаш ишларини ташкил этиш бўйича бош мутахассислар 3 киши]
    C --- I[Шаҳар кўп тармоқли клиник касалхоналари ва стационарлари, шаҳар тез tibbiy ёрдам станцияси, юқумли касалликлар, психиатрия, сил касалликлари касалхоналари, қойкаларга эга бўлган иختисослаштирилган диспансерлар ва нефромарказ, қойкаларга эга бўлган шаҳар сил касалликлари, эндокринология диспансерлари марказлари, шаҳар қон қуйиш станцияси, Саломатлик ва tibbiy статистика институтининг филиали]
    F --- J[Болалар учун стационар муассасалар, катталар ва болалар диагностика марказлари, акушерлик комплекслари]
    D --- K[Туман tibbiy бирлашмалари]
    D --- L[Хусусий tibbiy муассасалари]
    G --- M[Нодавлат муассасалар томонидан кўрсатиладиган tibbiy хизматлар сифатини назорат қилиш бўйича бош мутахассислар 2 киши]
    G --- N[Кадрлар ва махсус ишлар бўйича бош мутахассислар 2 киши]
    G --- O[Шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази]
    G --- P[Шаҳар ОИТҒа қарши курашиш маркази]
  
```

Бошқарув ходимларининг чекланган сони – 17 киши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2007 йил 2 октябрдаги ПКҚ-700-сон Қарорига
6-илова


[illegible]

(Давоми 6-бетда).

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ****Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил
этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

2007 йил 2 октябрь

№ ПК-700

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2007 йил 2 октябрдаги ПК-700-сон Қарорига
7-илова**Тошкент шаҳар туман тиббиёт бирлашмасининг
тузилмаси**

* таркибига катталар, болалар ва бошқа ихтисослаштирилган poliklinika муассасалари киради.

* Тошкент шаҳрида барча акушерлик комплекслари Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бosh бoshқармаси ихтиёрига берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2007 йил 2 октябрдаги ПК-700-сон Қарорига
8-илова**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
хузурида доимий фаолият кўрсатувчи аттестация комиссияси
таркиби**

Назирова Ф.Ф.	- Соғлиқни сақлаш вазири, комиссия раиси
Шарапов Н.У.	- Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, комиссия раисининг ўринбосари
Комилов А.И.	- Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари
Алимухамедов Б.Б.	- Меҳнат ва аҳолини ихтимой муҳофаза қилиш вазирининг ўринбосари
Қўчқоров Ж.А.	- Молия вазирининг ўринбосари
Шоабдурахмонов Р.М.	- Иқтисодиёт вазирининг ўринбосари
Қурбанов Р.Д.	- Республика ихтисослаштирилган кардиология тиббий марказининг директори
Исламова О.М.	- Соғлиқни сақлаш вазирлиги Назорат инспекциясининг бошлиғи
Ҳошимов Ш.Х.	- Соғлиқни сақлаш вазирлиги Даволаш-профилактика ёрдами ташкил этиш бosh бoshқармасининг бошлиғи
Ядгарова К.Т.	- Соғлиқни сақлаш вазирлиги Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бosh бoshқармасининг бошлиғи
Шарипова Н.В.	- Соғлиқни сақлаш вазирлиги санитария-эпидемиология назорати бosh бoshқармаси санитария-гигиена бўлимининг бошлиғи
Акбаров М.Н.	- профессор, Республика ихтисослаштирилган жаррохлик тиббий марказининг бўлим мудури, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бosh жаррохи
Абдуллаев С.П.	- профессор, Тошкент Тиббиёт академиясининг бўлим мудури, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бosh терапевти

(Давоми. Боши 3-5-бетларда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2007 йил 2 октябрдаги ПК-700-сон
Қарорига
9-илова**Тугатиладиган ёхуд туман марказий кўп тarmoqli
касалхоналарининг бўлимларига айлантириладиган кам қувватли
тиббиёт муассасалари
РЎЙХАТИ**

№	Муассасанинг номи	Жойлашган жойи	Изоҳ
1	Чимбой тумани силга қарши диспансери	Қорақалпоғистон Республикаси, Чимбой шаҳри	Туман марказий кўп тarmoqli касалхонаси бўлимига айлантирилади
2	Чимбой тумани тери-таносил касалликлари диспансери	Қорақалпоғистон Республикаси, Чимбой шаҳри	Туман марказий кўп тarmoqli касалхонаси бўлимига айлантирилади
3	"Қиличбой" қишлоқ участка касалхонаси	Қорақалпоғистон Республикаси, Амударё тумани	Туман марказий кўп тarmoqli касалхонаси бўлимига айлантирилади
4	"Ўзбекистон" қишлоқ участка касалхонаси	Қорақалпоғистон Республикаси, Амударё тумани	Туман марказий кўп тarmoqli касалхонаси бўлимига айлантирилади
5	"Қипчоқ" қишлоқ участка касалхонаси	Қорақалпоғистон Республикаси, Амударё тумани	Туман марказий кўп тarmoqli касалхонаси бўлимига айлантирилади
6	"Шеге" қишлоқ участка касалхонаси	Қорақалпоғистон Республикаси, Мўйноқ тумани	Туман марказий кўп тarmoqli касалхонаси бўлимига айлантирилади
7	Қўнғирот тумани тери-таносил касалликлари диспансери	Қорақалпоғистон Республикаси, Қўнғирот тумани	Туман марказий кўп тarmoqli касалхонаси бўлимига айлантирилади
8	"Жалпок яб" қишлоқ участка касалхонаси	Қорақалпоғистон Республикаси, Кегейли тумани	Туман марказий кўп тarmoqli касалхонаси бўлимига айлантирилади
9	"Водник" шаҳар касалхонаси	Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли тумани	Амбулатория қишлоқ врачлик пунктига айлантирилади, касалхона эса туман марказий кўп тarmoqli касалхонаси бўлимига айлантирилади
10	Хўжайли тумани тери-таносил касалликлари диспансери	Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли тумани	Туман марказий кўп тarmoqli касалхонаси бўлимига айлантирилади

(Давоми 7-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташқил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

2007 йил 2 октябрь

№ ПК-700

№	Муассасанинг номи	Жойлашган жойи	Изоҳ
11	"А.Дурдиев" кишлоқ участка касалхонаси	Қорақалпоғистон Республикаси, Тўртқўл тумани	Туман марказий кўп тармоқли касалхонаси бўлимига айлантирилади
12	"Мискин" кишлоқ участка касалхонаси	Қорақалпоғистон Республикаси, Тўртқўл тумани	Туман марказий кўп тармоқли касалхонаси бўлимига айлантирилади
13	"Тоға Бог" кишлоқ участка касалхонаси	Қорақалпоғистон Республикаси, Элликқалъа тумани	Туман марказий кўп тармоқли касалхонаси бўлимига айлантирилади
14	Балиқчи тумани силга қарши диспансери	Андижон вилояти, Балиқчи тумани	Туман марказий кўп тармоқли касалхонаси бўлимига айлантирилади
15	Балиқчи тумани юқумли касалликлар касалхонаси	Андижон вилояти, Балиқчи тумани	Туман марказий кўп тармоқли касалхонаси бўлимига айлантирилади
16	Ғиждувон тумани тери-таносил касалликлари диспансери	Бухоро вилояти, Ғиждувон шаҳри	Туман марказий кўп тармоқли касалхонаси бўлимига айлантирилади
17	Шофиркон тумани тери-таносил касалликлари диспансери	Бухоро вилояти, Шофиркон шаҳри	Туман марказий кўп тармоқли касалхонаси бўлимига айлантирилади
18	"Кизилравот" кишлоқ участка касалхонаси	Бухоро вилояти, Ромитан тумани	Тугатилади
19	"Говчин" реабилитация касалхонаси	Қашқадарё вилояти, Ғузор шаҳри	Тугатилади
20	Учкудук тумани силга қарши диспансери	Навоий вилояти, Учкудук тумани	Туман марказий кўп тармоқли касалхонаси бўлимига айлантирилади
21	Хатирчи тумани болалар юқумли касалликлар касалхонаси	Навоий вилояти, Хатирчи тумани	Туман марказий кўп тармоқли касалхонаси бўлимига айлантирилади
22	Ғулистон шаҳар турғуқхона комплекси	Сирдарё вилояти, Ғулистон шаҳри	Туман марказий кўп тармоқли касалхонаси бўлимига айлантирилади
23	Вилоят кирхонаси	Сирдарё вилояти, Ғулистон шаҳри	Тугатилади
24	Боёвут тумани силга қарши диспансери	Сирдарё вилояти, Боёвут тумани	Туман марказий кўп тармоқли касалхонаси бўлимига айлантирилади
25	Олтинсой тумани 1-касалхонаси	Сурхондарё вилояти, Олтинсой тумани	Туман марказий кўп тармоқли касалхонаси бўлимига айлантирилади
26	Олтинсой тумани "Вахшвор" кишлоқ участка касалхонаси	Сурхондарё вилояти, Олтинсой тумани	Туман марказий кўп тармоқли касалхонаси бўлимига айлантирилади
27	Жарқўрган тумани тери-таносил касалликлари диспансери	Сурхондарё вилояти, Жарқўрган тумани	Туман марказий кўп тармоқли касалхонаси бўлимига айлантирилади
28	Узун тумани юқумли касалликлар касалхонаси	Сурхондарё вилояти, Узун тумани	Туман марказий кўп тармоқли касалхонаси бўлимига айлантирилади
29	Шўрчи тумани "Толли" 1-касалхонаси	Сурхондарё вилояти, Шўрчи тумани	Туман марказий кўп тармоқли касалхонаси бўлимига айлантирилади
30	Олмалик шаҳар тери-таносил касалликлари диспансери	Тошкент вилояти, Олмалик шаҳри	Туман марказий кўп тармоқли касалхонаси бўлимига айлантирилади
31	Ангрен шаҳар психоневрология диспансери	Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри	Туман марказий кўп тармоқли касалхонаси бўлимига айлантирилади
32	Чирчиқ шаҳар тери-таносил касалликлари диспансери	Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри	Туман марказий кўп тармоқли касалхонаси бўлимига айлантирилади
33	Пискент тумани юқумли касалликлар касалхонаси	Тошкент вилояти, Пискент тумани	Туман марказий кўп тармоқли касалхонаси бўлимига айлантирилади
34	Марғилон шаҳар тери-таносил касалликлари диспансери	Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри	Туман марказий кўп тармоқли касалхонаси бўлимига айлантирилади
35	Олтиариқ тумани юқумли касалликлар касалхонаси	Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани	Туман марказий кўп тармоқли касалхонаси бўлимига айлантирилади
36	Бағдод тумани силга қарши диспансери	Фарғона вилояти, Бағдод тумани	Туман марказий кўп тармоқли касалхонаси бўлимига айлантирилади
37	Данғара тумани юқумли касалликлар касалхонаси	Фарғона вилояти, Данғара тумани	Туман марказий кўп тармоқли касалхонаси бўлимига айлантирилади
38	Сўғ тумани юқумли касалликлар касалхонаси	Фарғона вилояти, Сўғ тумани	Туман марказий кўп тармоқли касалхонаси бўлимига айлантирилади
39	Фурқат тумани юқумли касалликлар касалхонаси	Фарғона вилояти, Фурқат тумани	Туман марказий кўп тармоқли касалхонаси бўлимига айлантирилади
40	Фарғона тумани юқумли касалликлар касалхонаси	Фарғона вилояти, Фарғона тумани	Туман марказий кўп тармоқли касалхонаси бўлимига айлантирилади
41	ХОСПИС касалхонаси	Хоразм вилояти, Урганч тумани	Туман марказий кўп тармоқли касалхонаси бўлимига айлантирилади

(Давоми. Боши 3-6-бетларда).

Мутахассис маслаҳати

МАСТОПАТИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИНГ

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг маълумотларига кўра, кейинги йилларда сут безлари раки билан касалланиш анча кўпайиб бормоқда. Бунга сут безларининг рак олди касалликларини ўз вақтида аниқлашмаслик ва етарли даволамаслик сабаб бўлмоқда. Ўсма олди касалликларининг келиб чиқишида аёллар жинсий аъзоларида руй берган ўзгаришлар ва касалликлар, уларни ўз вақтида даволатмаслик катта роль ўйнайди. Бунинг натижасида сут безлари эпителийсига касалликка чалинади. Кам туғиш, сут келишининг қисқа муддатли бўлиши, кўп маротабалаб аборт қилдириш, яъни бола олдириш, аёллар жинсий аъзолари, қалқонсимон безлар, жигарнинг касалланиши бунга сабаб бўлади. Мастопатиянинг пайдо бўлишида руҳий изтироблар ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Сут беzi – нормал ҳайз фаолиятидаги циклик ўзгаришларга боғлиқ равишда эндокрин тизими томонидан бошқарилиб туради. Ҳайз олди даврида сут беzi ҳажми бироқ катталашади ва дағаллашади, бу ўзгаришларнинг ҳайз бошланиши билан ўтиб кетиши нормал циклик ўзгаришлар натижасидир. Сут безида кескин оғриқ ёки шиш ҳиссиёти ва унинг ҳажми катталашади ҳайз бошланишидаёқ бир неча кун олдин юз беради ва бу "сут безининг ҳайз олди таранглашиши" синдроми дейилади. Сут безининг ҳомиладорлик ва лактация даврида ҳажмининг катталашади, гиперпигментацияси, томирлар суратининг катталашади нормал физиологик жараён ҳисобланади.

Унинг хавфсиз ўсмаси сут беzi саратонига қараганда 3-4 марта кўп учрайди. Статистик маълумотларга кўра, сут беzi саратони сут беzi хавфсиз ўсмаси билан касалланганлардан 3-5 марта кўпроқ бўлади. Бу касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш сут беzi саратонининг олдини олиш имконини беради. Масалан, сут беzi эпителийсининг кескин ўсиб кетиш аломатлари билан кечадиган мастопатиянинг туғунли шаклида сут беzi саратони 30-40 марта кўпроқдир. Мастопатия билан кўпчила бола туғадиган ёшдаги аёллар касалланади. Юзага келган хавфли жараёни ва унга мойил бўладиган касалликларни ўз вақтида аниқлаш жуда муҳим аҳамиятга эга. Бунда абортлар, бола эмизилиши вақтидан олдин тўхтаб қўлиш ва мастопатия ўртасида алоқадорлик бор-йўқлигини кўриб чиқиш керак.

Маълумки, сут безлари тўқимасининг тузилиши ва унинг иши аёл кишининг ёшига, бўйида бўлишига, болага кўкракни бериб эмизилишига қараб ўзгаради. Бу ўзгаришлар ички секреция безлари, аввало туғулмонлар ишлаб чиқарадиган гормонларнинг бевосита таъсирида руй беради. Аёл кишининг бўйида бўлганда гормонлар таъсирида безсимон тўқима шишади, сут безлари бўлаклари катталашади. Бола туғулганда вақтга келиб, безсимон бўлақлар анча катталашиб, оғиз сuti, кейинчалик эса сут ишлаб чиқара бошлайди. Одатда бола туғулгандан кейин 10-12 ойгача она кўкрагидан сут келиб туради. Ана шу муддат охирига келиб, сут безлари бўлаклари энди кичрая бошлайди, сут ишланиб чиқиши қамаяди. Шу вақтда она боласини кўпинча эмизмай қўяди, натижада сут безлари асли ҳолига келади. Лекин шуни унутмаслик керакики, аёл киши боласини олдира эки болани туғиб, уни кўкрак сuti билан боқмаса сут безларидаги ўзгаришлар шу хилда аста-секинлик билан аслига қайтмайди ва оқибат-натижада сут безларида оғрийдиган каттик туғунлар пайдо бўлади. Ана шулар мастопатиянинг асосий аломатлари ҳисобланади, сут безларининг безсимон ва бирлаштирувчи тўқимаси зўр бериб ўсиб кетади. Халғи каттик туғунлар вақт ўтиши билан катталашиб кетиши мумкин. Хусусан, ҳар сафар бола олдиригандан кейин бу жараён оғирлашаверади. Гинекологик касалликлар, асосан гормонлар мувозанатининг бузилишига олиб борадиган туғулмонлар ишининг бузилиши ҳам мастопатияга сабаб бўлади. Бунинг натижасида одатда ҳайз кўриш цикли ўзгаради. Шуни унутмаслик керакики, гинекологик касалликлар бора аёлларда сут безларида касаллик жараёнлари кўпроқ учрайди. Мастопатия узок кечад ва бу турли кўринишларда намоён бўлади. Баъзан тўқималарнинг катталашади хавфли бўлмайди. Бошқа ҳолларда эса хавфли ўсмага айланиб кетиши мумкин. Фақат онколог касаллиқнинг қандайлигини аниқлай олади. Шуни унутмаслик керакики, кўкрагинида ўзга-

риш пайдо бўлиши биланок, онкологга мурожаат қилинг. Сут безларининг шиши касаллик аломати бўлиши мумкин. Дастлаб бундай ўзгаришлар ҳайз кўришнингиздан олдин сезилади, кейинчалик эса, бунга алоқаси бўлмаган ҳолда ҳам пайдо бўлаверади.

Кўкрагинидагиз учидан рангсиз кўнгир, кўлранг-кўкимтир ажралма чиқиши ҳам бу касаллиқнинг аломати бўлиши мумкин. Баъзи аёллар мастопатия билан оғриб қолсалар менда рак борга ўхшайди, деб ваҳимага тушади. Шунинг унутмангки, мастопатиянинг ҳамма тури ҳам рак олди касаллиги бўлавермайди. Мастопатия билан оғриб қолган ҳар бир аёл ваҳима қилмасдан онкологга бориб учраши ва даволашни керак. Диффуз мастопатия дори-дармонлар билан тузалиб кетади. Гинекологик касалликларни даволатишда асаб бузилмаса, мастопатия тезроқ тўзалади. Касаллик бепарволик оқибатида ўтиб кетган бўлса дори-дармонлар ва гормонлар билан даво қилинади. Диффуз мастопатия мавжуд ҳолда каттик туғунлар бўлса, албатта операция қилиш керак. Мастопатияси бор беморлар, албатта, онкологик диспансер ҳисобида назоратда бўлиб, бир ойда бир марта сут безларини текширтириб туришлари лозим.

Бир йилда 2 марта гинекологга бориб, гинекологик касаллиги бор-йўқлигини текширтириши, мабодо бирор дор бўлса даволашни керак. Булар хавфли ўсманнинг олдини олишнинг энг яхши йўли ҳисобланади. Бироқ, мастопатия билан оғирмаган аёлларда ҳам хавфли ўсманлар пайдо бўлиши мумкин. Сут безларининг катталашади, ажралма чиқиши, шиш устидаги тери рангининг ўзгариши (лимон пўчоғига ўхшаб қолиши), кўкрак учининг ичига кириб кетиши сут безларининг хавфли ўсмаси аломати бўлиши мумкин. Шу аломатлардан бириортасини сезгудек бўлсангиз зудлик билан онкологга учрашинг. Ўз билганингизча ёки таниш-билишларнинг маслаҳатлари билан даволанманг. Мабодо аёл кишида чиндан ҳам рак касаллиги топилса, беморни нур, қимёвий гормонлар воситасида даволаш керак бўлади. Хирургик йўл билан даволаш масаласини шифокор ҳар томонлама текширишлар ўтказиб, ҳал қилади.

Сут беzi саратонини ташхислашда икки асосий йўналиш мавжуд:

Биринчидан, сут беzi саратонининг дастлабки (пайпаслаб бўлмайдиган хавфли ўсманлари) фақат маммография (сут безини рентген тасвири) орқали аниқлаш мумкин. Шунинг учун 35 ёшдан олган соғлом аёллар доимий равишда икки йилда бир марта маммография текширувдан ўтиши шарт. Ўсимирлар, ҳомиладор ва эмизикли аёлларга маммография фақатгина қатъий кўрсатмалар бўлгандагина буюрилади. 50 ёшдан кейин бу текширувни йилда бир марта ўтказиш тавсия қилинади. Барча ривожланган мамлакатлардаги аёллар бундай текширувдан ўтади. Бу текширишда нурлиниш даражаси юқори эмас ва аёллар соғлиғига хавф туғдирмайди;

Иккинчидан, аёллар ўз-ўзини текшириш усулини ўзлаштиришда сут беzi саратонининг илк даврида аниқлаш ва тўла соғайиш имконини беради. Сут беzi саратонини келтириб чиқарадиган омилларга: наслий (она томонидан қариношларда сут беzi хавфи ва хавфсиз ўсманларнинг мавжудлиги), ҳайзнинг эрта бошланиши (12 ёшдан), менопаузанинг кеч бўлиши (55 ёшдан кейин), бепушллик, кўп марта аборт, боласини эмизган аёллар, сурункали гинекологик касалликлар, эндокрин без касалликлари ионли радиация таъсири ва канцерогенлар қиради.

(Давоми 8-бетда).

**КАСАЛЛИКЛАРДАН ҚОЛИ БЎЛИШНИ ИСТАСАНГИЗ
БИЗГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ!**

МАСТОПАТИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИНГ

Битта сут безида саратон бўлганда иккинчисидан ҳам бўлиш эҳтимоли ортади. Сут безида доимий циклик ўзгаришлар бўлиб туради, шунинг учун текширишда қўлай пайт ҳайз бошланганидан кейин 6-12-кунлари.

Ҳайз циклидан ташқари аёл ҳаёти мобайнида сут бези тўқимасида турли хил ўзгаришлар кузатилади; то ривожланишдан этилиш давригача сурлиш (инволюция) 35 ёшгача турмаган аёллар сут бези тўқимаси юқори зичлиги билан характерланади, рентген нурларини ёмон ўтказгани сабабли маммография кам маълумот беради. Бу даврда УТТ асосий текширув усули ҳисобланади. Ёш ўтиши билан ва туғруқдан кейин, кўкрак билан эмизгандан тўқима зичлиги камайди. Бу эса сут бези маммография текширувида қўлай бўлади. Сут бези тўқимасидан олинган пункция, сут йўллари-дан олинган суртмани цитологик текшириш касаллик характери аниқлаш имконини беради. Секторал резекция – ўзгарган тўқимани тўлиқ олиб ташлаш, ҳам хирургик даво ва ташхислаш усулидир.

Мастопатия (фиброз кистоз касаллиги) гормонал ўзгаришлар фонидан келиб чиқадиган касаллик. Икки хил шаклда намоён бўлади: диффуз мастопатия – сут бези ҳамма тўқимасининг катталашishi, оғрик бўлиши ва сўргичлардан ажралма ажралиши билан кечади (оқий, сарғий ёки кўкитир);

- тугунли мастопатия – сут безида битта ёки бир нечта но-текиш шакли ва чегаралари но-аниқ тугунлар пайдо бўлиши билан кечади. Бу касаллик маммографияда, УТТ ва пункцион биопсияда аниқ ташхисланади. Тугунли мастопатиянинг баъзи турлари хавфли ўсмага айланиши мумкин, шу сабабдан хи-рургик йўли билан олиб таш-ланади.

Фиброаденома – хавфсиз ўсма, сут бези тўқимасидан келиб чиқади. Юзаси силлиқ, че-гаралари аниқ, кўпинча юмалоқ шаклда пальпацияда харакат-чан, терига ёпишмаган. Агар сиз сут безида қандайдир ўзга-риш сезсангиз, иложи борица тезроқ маммологга мурожаат этинг.

Мастопатиядан даволанаёт-ган аёлларга қўйиладиган мас-лаҳат берамиз: касаллик қай-таламаслиги учун қўёшли кун-лари иссиқда кўп юрманг, сау-нага тушманг, физиотерапия қабул қилманг, иссиқ цехларда ишламанг, тандирда нон ёпиш ҳам зарарлидир. Биостимуля-торлар, чунончи, алоэ, фибс, шисасимон тана (стекловидное тело) қабул қилиш, мўймиё ичиш мумкин эмас. Лекин уй-рўзгор ишларини бемалол бажараве-ринг, масалан: овқат пишириш, уйлари сўгуриб-сидириш, кир ювиш. Бирок оғир, яъни 2,5 ки-лограммдан ортиқ нарса кўтар-манг.

Эсингизда бўлсин! Рак хавф-ли касаллик, лекин, ундан ҳамма ҳам вафот этавермай-ди. Зеро, ҳар бир инсон ўз са-ломатлиги учун эътиборли бўлиб, вақтида шифокорга мурожаат қилса, кўнглисиз ҳолатлар юз бермайди.

Абдувоҳид ХУҲАЕВ,
профессор,
Жамшид ХАЛИМОВ,
Республика онкология
маркази.

Благодарность

СПАСИБО ЗА ПОДДЕРЖКУ

Вот уже на протяжении не-скольких лет музей здравоохранения Узбекистана имени К. Заирова ведет свою про-светительскую деятельность с целью пропаганды здорового образа жизни среди населения. Ежегодно более 20 000 человек с большим интересом посеща-ет музей. Стоит отметить, что контингент посетителей очень широк – это и дети дошкольно-го возраста, школьники, учащи-еся лицеев и колледжей, сту-денты вузов, курсанты институ-та усовершенствования врачей, военные, курсанты милиции, ту-ристы и многие другие. Это го-ворит о том, что здоровье, бу-дучи самым большим даром для человечества, одинаково важно для всех, независимо от возрас-та, нации и профессии.

В активной пропаганде здоро-вого образа жизни сотрудниками данного учреждения проводится большая санитарно-просветитель-ская работа среди посетителей музея. Опытные врачи-экскурсо-воды проводят экскурсии и лек-ции на узбекском и русском язы-ках. Сотрудники постоянно рабо-тают над повышением своей ква-лификации путем изучения новых, методов и технологий, применя-емых в современной медицине, и все это они применяют на прак-тике при ведении лекций.

Но столь активная деятель-ность музея была бы невозмож-ной без поддержки и помощи. И Министерство здравоохранения республики, и многие другие организации оказывают боль-

шую незаменимую помощь. И, пользуясь случаем, кол-лектив музея здравоохране-ния Узбекистана имени К. За-ирова и посетители выражают огромную благодарность руко-водителям компании "Узтранс-газ" Э.Х. Вагапову, Н.Ш. Ази-мову, М.С. Макашову, а также руководителям "Тошшахараз" А.Н. Саидвалиеву, Б.М. Авазо-ву и Б.Н. Музаффарову, благо-даря которым в музее стало уютно и тепло. И эта поддерж-ка придаст нам новые силы и будет вдохновлять нас на бо-лее активную рабочую деятель-ность.

Коллектив музея здраво-охранения Узбекистана имени К. Заирова.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий фаолиятни лицензиялаш Кенгаши маълум қилади

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий фаолиятни лицензиялаш Кенгашининг 2007 йил 27 августдаги 10-сон мажлис қарорига асосан

№	Корхона номи, манзили, врачнинг Ф. И., тураржойи, ихтисослиги	Лицензия рақами	Берилган санаси	Лицензиянинг (вақтинчалик рухсатнома) амал қилиши тугатилган сана
1.	«Шухрат Исом Шайх» хусусий фирмаси – Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, Мирпўлатова кўчаси, 51-уйда жойлашган	2571-рақамли рухсатнома	2001 йил 29 ноябрда	2007 йил 27 августдан
2.	«FAYZLI OILA» МЧЖ – Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Массон кўчаси, 1-уйда жойлашган	3092-рақамли рухсатнома	2002 йил 23 августда	2007 йил 27 августдан
3.	«MIGA PULS» хусусий кўп тармоқли тиббиёт фирмаси – Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Фарход кўчаси, 52-уйда жойлашган	2439-тиб. сон-ли лицензия	2001 йил 1 ноябрда	2007 йил 27 августдан

Абдували АГЗАМОВ,
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ислох қилиш,
хусусийлаштириш ва пуллик хизмат кўрсатиш
бошқармаси бошлиғи.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий фаолиятни лицензиялаш Кенгаши тиббий фаолият кўрсатиш жараёнида йўл қўйган ноўрин хато ва камчиликлари аниқланган хусусий корхоналар бўйича қабул қилинган хўжалик судларининг қарорлари ҳақида

№	Корхона номи, почта манзили	Лицензия рақами	Берилган санаси	Лицензиянинг амал қилиши тугатилганлиги ҳақида асос ва санаси
1.	«АСР-ХОТАМТОЙ» хусусий фир-маси – Тошкент шаҳри, Мир-обод тумани, Қўйлиқ 3-дахаси, 33-уй, 2-хонадонда жойлашган	3002-тиб.	16.04.2004 йилда	Тошкент шаҳар хўжалик суди-нинг 2007 йил 30 июлдаги 10-0715/7616-сонли қарори
2.	«STOMATOLOG-SHIRIN» хусусий корхонаси – Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Паркент-Риёзий кўчаси, 10-уй, 20-хонадон	3344-тиб.	02.04.2003 йилда	Тошкент шаҳар хўжалик суди-нинг 2007 йил 18 июлдаги 10-0715/7613-сонли қарори
3.	«TAVOBAT OLAMI» МЧЖ – Тош-кент шаҳри, С. Раҳимов тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 3-6 уй	5225-тиб.	13.02.2006 йилда	Тошкент шаҳар хўжалик суди-нинг 2007 йил 23 июлдаги 10-0715/7611-сонли қарори
4.	«OMAD-FAYZ» хусусий фирмаси – Тошкент шаҳри, Юнусобод ту-мани, 11-мавзе, 7-уй, 2-хона	2675-тиб.	24.07.2001 йилда	Тошкент шаҳар хўжалик суди-нинг 2007 йил 23 июлдаги 10-0715/7610-сонли қарори
5.	«GESTOTIB-SERVIS» хусусий фирмаси – Тошкент шаҳри, Чи-лонзор тумани, 18-мавзе, 2-уй	2730-тиб.	28.03.2002 йилда	Тошкент шаҳар хўжалик суди-нинг 2007 йил 23 июлдаги 10-0715/7609-сонли қарори
6.	«ТОРТА-Д» МЧЖ – Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Фар-ход кўчаси, 21-а уй	3290-тиб.	04.03.2003 йилда	Тошкент шаҳар хўжалик суди-нинг 2007 йил 23 июлдаги 10-0719 (04) 8051-сонли қарори

Корхона номи, почта манзили	Лицензия рақами	Берилган санаси	Лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилганлиги ҳақида асос ва санаси
«НИГОРА-ОЙБЕК» хусусий фир-маси қошидаги «NEURO-SERVIS» шўба корхонаси – Тошкент шаҳри, Сер-гели тумани, Спутник-6, 1-уй	3620-тиб.	26.02.2004 йилда	Тошкент шаҳар хўжалик суди-нинг 2007 йил 30 июлдаги 10-0715/7614-сонли қарори билан 30 иш кунига тўхтатилган

Васила АЛИМОВА,
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг лицензиялаш ва нодавлат
муассасаларида кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини
назорат қилиш бошқармаси бошлиғи.

Газета муассиси:

Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир: Нодир ШАРАПОВ

Ижрочи муҳаррир: Ибодат СОАТОВА

Тахрир ҳайъати раиси:

Феруз НАЗИРОВ
Тахрир ҳайъати
аъзолари:
Бобур Алимов, Озода
Муҳитдинова, Бахтиёр
Ниёзматов, Абдурахмон
Носиров, Нурмат
Отабеков, Рихси
Салихўжаева, Абдулла
Убайдуллаев, Фарҳод
Фузайлов, Миралишер
Исламов.

Манзилимиз: 700060,
Тошкент шаҳри,
Охунбобоев кўчаси,
30-уй, 2-қават.
Тел./факс:
133-57-73, тел.:
133-13-22.

Газета Ўзбекистон Рес-
публикаси Матбуот ва ах-
борот агентлигида 2006
йилнинг 6 декабрь куни
руйхатга олинган, гувоҳ-
нома рақами 0015.

Ўзбек ва рус тилларида
чоп этилади. Ҳафтанинг
сешанба кунлари чикади.
Мақолалар кўчириб бо-
силганда «O'zbekistonda
sog'liqni saqlash – Здра-
воохранение Узбекиста-
на» газетасидан олинди,
деб кўрсатилиши шарт.

Адади 4582 нуска.
Буюртма Г-1050.

Газета «ШАРҚ»
нашриёт-матбаа
акциядорлик
компанияси
босмахонасида чоп
этилди. Газета ҳажми 2
босма табақ. Формати
А3. Офсет усулида
босилган.
Эълон ва
билдирувлардаги
факт ҳамда
далилларнинг
тўғрилиги учун реклама
ва эълон берувчилар
масъулдир.

Саҳифаловчи:
Бахтиёр КҲОҚОВ.

Оператор-дизайнер:
Намоз ТОЛИПОВ.

Босмахонага
топишириш вақти – 20.00.

Топирилди – 21.30.

1 2 3 4 5